

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1270-ҳадис

1270 - وَعَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ صَامَ عَاشُورَاءَ، وَأَمَرَ بِصِيَامِهِ. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [2004, м 1130/128].

1270. Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Ошуро куни рўза тутдилар ва шу куни рўза тутишга буюрдилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: «Ашуро» сўзи луғатда «ўнинчи кун» деган маънони билдиради. Муҳаррам ойининг ўнинчи куни Ашуро номи билан машҳур бўлган.

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ўзлари Ашуро куни рўзасини тутиб, умматларига ҳам ўша куннинг рўзасини тутишни амр қилганларида баъзи хабардор саҳобийлар Ашуро кунини яҳудий ва насоролар улуғлашини У зот соллаллоху алайҳи васалламга эслатдилар. Чунки саҳобаи киромлар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг яҳудий ва насороларникига ўхшаш ишни қилмасликларини, доимо уларникидан бошқача, Ислох умматига хос иш қилишларини яхши билар эдилар. У зот соллаллоху алайҳи васаллам доимо саҳобаи киромларни бошқа дин эгаларига ўхшашдан, уларга эргашишдан қайтариб келар эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаи киромларнинг Ашуро куни рўзаси ҳақидаги хабарларини бағрикенглик билан қабул қилиб олдилар. Уни ҳисобга олдилар ва янаги йили яҳудий ва насороларга ўхшаб муҳаррам ойининг фақат ўнинчи куни эмас, балки уларга хилоф қилиб, тўққизинчи куни рўзасини тутишларини айтдилар. Аммо ўзлари янаги Ашуро келмасдан Рафиқи Аълога риҳлат қилдилар.

Лекин гаплари ўз кучида қолди. У зотнинг умматлари айтганларини қилиб, муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи кунлари рўзасини тутишга

одатланди.

Манба: hadis.islom.uz

